



## ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК АСОСИДА

(Боши 1-бетда).

Биз касба уюшмалари қурултойида қабул қилинган қарорларни амалга оширишга дарҳол киришдик. Сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жамоат ташкилотлари тўғрисидаги қонунга киритилиши лозим бўлган ўзгаришлар ва қўшимчалар мажмуини белгилаб олишни кўзда тутиб қўлдирдик. Маълумки уларнинг фаолияти "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонун билан изнга солиб турилади. "Бироқ, — деб таъкидлади Президент биринчи сессияда, — сиёсий жараёнинг ниҳоятда тез ривожланиши оқибатида мазкур қонун бугунги кун талабларига жавоб бера олмай қолди".

Федерация кенгаши, шунингдек, "Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларини кафолатлари тўғрисида"ги қонунни такомиллаштириш бўйича ҳам ўз таклифларини тайёрлади. Бизнинг мутахассисларимиз бошқа қонунлар ва меъёрловчи ҳужжатларни такомиллаштириш билан боғлиқ таклифларини тайёрлашда ҳам иштирок этмоқдалар. Олий Мажлиснинг депутати сифатида ўзим аҳолини ижтимоий муҳофазалашга доир қонунларни ва бошқа ҳужжатларни такомиллаштириш масалалари билан шуғулланаман. Республика Меҳнат қонунлари мажмуига киритилиши лозим бўлган таклифларни тайёрладим.

Бу сессия республика Вазирлар Маҳкамасининг таркиби тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқади. Касба уюшмалари ҳам бу масаланинг ҳал этилишидан миннатдордирлар. Давлат ва хўжалик қурилишининг барча бўғинларида улар ўз фаолиятларини ижтимоий шерикчилик принциплари асосида қурадилар. Жамоа шартномалари ва битимлари бу қондалар ҳаётда, амалда тадбиқ этилишини таъминлайди. Шартнома ва битимлар ўзаро ҳамкорликни барча бўғинларини қамраб олади, улар орқали ижтимоий моҳиятни муаммоларнинг кўпчилиги ҳал этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро конвенцияларига қўшилиши билан боғлиқ ма-

салаларни биз илгари ҳам бир неча мартаба парламент олдига қўйган эдик. Маълумки, халқаро меҳнат ташкилотининг бевосита ижтимоий муҳофазаси масалаларига дахлдор 170 дан зиёд конвенциялари мавжуд. Уларга қўшилиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини беқиёс оширади. Республика Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида кўриб чиқиш учун халқаро Меҳнат Ташкилотининг яна бир қатор конвенцияларига қўшилиш масаласини киритди. Улар орасида йиллик ҳақ тўланадиган таътиллар, иш билан бандликка доир сиёсат, оналикни муҳофазаси қилиш тўғрисидаги конвенциялар бор. Бу масалани тайёрлашда Меҳнат Вазирлиги билан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг мутахассислари бевосита иштирок этдилар. Яқин фурсатда Женевада халқаро Меҳнат Ташкилотининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтади. Республикаимиз вакиллари унинг ишида иккинчи мартаба иштирок этдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда қонунларимиз тўла бажарилмаяпти. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳар иккала қанотининг касба уюшмалари билан ўзаро ҳамкорлигига онд баъзи тажрибаларни таҳлил қилиб шуни эътироф этиш керакки, қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар яхшироқ бажарилишига касба уюшмалари кўп жиҳатдан кўмаклашишлари мумкин. Қонунлар бажарилишини назорат қилувчи жамоат комиссиялари ташкил этилмоқда. Аини пайтда меҳнатқашларга қабул қилинган қонунларнинг моҳиятини тушунириш ишлари кучайтирилди. Уйлайманки, республика Олий Мажлиснинг иккинчи сессияси қарорлари бу ишларни ҳаммасига янги куч бахш этади.

"Народное слово"нинг жамоатчи мухбири Ж. САЪДУЛЛАЕВ ёзиб олди.  
(“Народное Слово” 1995 йил 28 апрель).

Тошкент чинни заводининг маҳсулотларига бўлган талаб ҳеч қачон сўнган эмас. Чинни буюмларнинг сифатли ва безакдор тайёрланаётганлиги корхонадаги ишчиларнинг маҳоратига боғлиқдир.

Суратда: ўз касбининг моҳир устаси расом Шухрат Собиров навбатдаги маҳсулотга сўнгги пардозлаш ишларини бермоқда.

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.



## ЯНГИ ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон касба уюшмаларининг XV қурултойи ва 70 йиллик юбилеи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Республика касба уюшмалари бир гуруҳ фаоллари билан бўлган учрашуви Сурхондарё вилоят касба уюшмалари ҳаётида ҳам катта аҳамият касб этадиган воқеалардир. Касба уюшмалари бозор иқтисодиёти шароитларида янада фаол ишламоқлари лозим. Кишилар манфаати даҳл қиладиган ҳар бир жой, ҳар бир воқеада уларнинг таъсири бўлиши фойдаландир. Ушбу масалалар вилоят касба уюшмалари тармоқлараро кенгаш йиғилишининг муҳокама мавзуи бўлди. Унда вилоят касба уюшмалари

кенгашининг раиси Ҳ. Шарофиддинов маъруза қилди. Маъруза юзасидан музокаралар бўлди.

Йиғилишда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини Қ. Рафиқов, Сурхондарё вилоят ҳокимининг биринчи муовини Н. Норғулатов ўртоқлар нутқ сўзладилар.

Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Йиғилиш сўнггида Ўзбекистон касба уюшмаларининг 70 йиллиги муносабати билан мукофотланганларга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ерлиги, Республика касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг, вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят касба уюшмалари кенгашининг фахрий ерлиқлари топширилди.

С. МЕНГОРОВ,  
“Ишонч” мухбири.

## ФОЙДА: УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА ОҚИЛОНА ИШЛАТИШ

АБДУКОДИР ҲАЛИ  
АБДУСАДИР — Иқтисод  
фанлари доктори, профессор

Манфаатдорлик деганда яхши, самарали ишлашга бўлган қизиқиш тушунилади. Манфаатдорлик бу маҳсулот таннархини пасайтиришга, сифатини яхшилашга, хом ашё, материал, энергия, экилги, меҳнат, пул харажатларини камайитиришга интилиш демекдир. Бир сўз билан айтганда, манфаатдорлик бу бир томондан ҳар бир ходимнинг, иккинчи томондан бутун жамоа аҳлининг яхши ишлашга қизиқтирилишидир. Бунинг учун, албатта яхши натижани рағбатлантирувчи механизмлар аниқ ишлаши керак. Иш натижасини яхшилашга қаратилган ҳар бир ҳаракат моддий ва маънавий тақдирланиб туриши лозим.

Масъулият. Бозор иқтисоди шароитида ўз мажбуриятларини бажариш учун, маҳсулот сифатини таъминлаш, уни истеъмолчига шартномаларда кўрсатилган мудатларда етказиб бериш учун масъулият ҳисси бўлиши керак.

Меҳнат аҳли олдига ўз бурчинга онд вазифаларни ҳал қилишда, меҳнат шартини яхшилаш ижтимоий масалаларни ҳал қилишда, меҳнатни муҳофазаси қилишда, иш ҳақини ўз вақтида тўлашни таъминлашда масъулият корхона раҳбарияти зиммасига тушади.

Бозор иқтисоди шароитида масъулиятсизлик камайди. Масъулиятсизлик кўп ҳолларда берилган топшириқларни ўз вақтида бажармаслик, ишга юзаси етдиришда ва ўз хизмат вазифаларини бевариқ бажаришда кўринади. Шунинг учун масъулиятсизлик эътиборсиз қолдирилмаслиги керак. Масъулият билан ишга етдириш тақдирланиб, масъулиятсизлик қаттиқ жазоланиш керак. Масъулиятсизлик катта иқтисодий зарар келтириши мумкин.

Рағбатлантириш — бозор иқтисоди шароитида хўжаликни юритишнинг энг муҳим қондаси. Меҳнат жисмоний еки ақлий бўладими, миқдорий ва сифат кўрсаткичларини таъминлаш моддий ва маънавий рағбатлантириб турилиши керак. Бунда рағбатлантирувчи таъсир ҳар бир меҳнатқашга ва умуман барча меҳнат аҳлига қаратилган бўлиши керак.

Меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантирувчи таъсирчан тизимсиз бозор иқтисоди шароитида юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ишбилармонлар ўз корхоналарида ишнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини рағбатлантирадиган самарали тизимларни ишлаб чиқиш, амалда қўллашга катта эътибор беришлари керак.

Моддий рағбатлантириш системасини ишлаб чиқиш, амалда қўллашда, меҳнат унумдорлигининг ўсиши иш ҳақининг ўсишидан юқори суръатларга эга бўлишини таъминлашга интилиш керак. Рағбатлантирувчи тизим самарали ва таъсирчан бўлиши лозим. Масалан, режада кўрсатилган иш ҳажмининг бажарилганда мукофот меъёри бир бўлса, режани ошариб бажарилса мукофот меъёрини юқори қилиб белгилаш мумкин. Бундай усул меҳнатқашларни режада белгиланган иш ҳажмининг тезроқ бажариб, қўшимча маҳсулотни кўпроқ чиқаришга рағбатлантиради.

Чунки режадан ташқари чиқарилган маҳсулотга тўланадиган мукофотнинг миқдори кўпроқ қилиб белгиланган.

Бозор иқтисоди шароитида рағбатлантириш тизими қуйидаги масалаларни ҳал қилиши керак: меҳнатқашларнинг корхона умумий иқтисодий кўрсаткичларини узуксиз яхшилаб боришда манфаатдорлигини рағбатлантириш ва моддий қизиқишини кучайтириш, ҳар бир меҳнатқашнинг моддий манфаатдорлиги билан корхонанинг умумий иқтисодий рағбатлантирилиши бир бутун қилиб, бир-бирига боғлаб олиб бориш, корхона иши яхшиланиб, ишлаб чиқариш самараси ортиб борган сари иш ҳақи фондиди ҳам ошариб бориш.

Бу масалаларнинг барчаси корхонада моддий рағбатлантириш фондиди фойда ҳисобига ташкил қилиш ва бу фонд орқали иш ҳақи фонди билан корхона фойдаси орасидаги узвий боғланишни вужудга келтириш мумкин.

Кўп ривожланган мамлакатларда ишбилармонлар самарали рағбатлантириш тизимларини қўллаш ҳисобига юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришганлар.

Ҳисоб-китоб ва назорат — бозор иқтисоди шароитида ишбилармонлик тўла хўжалик ҳисоби қондаларига амал

қилиб олиб борилади. Хўжалик ҳисоби барча сарф-харажатлар, киримларни узуксиз ва аниқ қилиб ҳисобини олиб бориш ва қаттиқ назорат бўлишини талаб қилади. Аиниқса, иш кўрсаткичларини аниқ қилиб ҳисобга олиш ва бу асосда маош, тўланадиган мукофотнинг миқдорини ҳисоблаш муҳим роль ўйнайди.

Ҳар бир меҳнатқаш, жамоа, ўз меҳнатининг натижасига яраша ҳақ олиши керак. Бунинг учун аниқ ҳисоб-китоб бўлиши керак.

Хўжалик ҳисобига асосланиб иш юритиш қаттиқ назоратни, аиниқса пул орқали назорат олиб борилишини талаб қилади.

Корхона фаолиятининг натурал

## ОИЛА БЮДЖЕТИ: ДАРОМАД ВА БУРОМАД

(Саккизинчи дарс — 2)

кўрсаткичлари уларнинг пул инфодаси билан тўғри келиши керак.

Пул билан назорат қилиш, ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини пул билан таъминлаб борилиши ҳам демекдир. Пул орқали ишлаб чиқаришга кетган харажатлар назорат қилиб борилади. Пул орқали назорат ишлаб чиқариш даврининг барча босқичларида ҳам амалга оширилади. Масалан, маблағларни бюджетга йўналтириш, ускуна олиш, қурилиш ишларини пул билан таъминлашда, кредит масалаларини ҳал қилишда, корхонага бутловчи маҳсулотларни, энергия, екилги ва бошқа маҳсулотларни етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобда, жамғармаларни тақсимлашда, ҳар хил фондларни ташкил қилишда пул билан назорат қилиш ўзини рўй рости кўрсатади.

Пул билан назорат қилиш даромад ва харажатлар орасидаги муносабатларга риоя қилишда ҳамда ресурсларнинг миқдори ва уларнинг керакли заҳирасини яратиш учун керак бўладиган пул миқдорини белгилашда ҳам кўринади.

Пул орқали назорат корхона даромадларининг қўлайлигини, харажатларнинг камайишини, аниқланган камчиликларни тезлик билан йўқ қилишни таъмин-

## «Ишонч»нинг иқтисодий дархонаси

лашга хизмат қилиши керак.

Ҳисоб-китоб ва назорат нафақат корхонада тартиб-интизомни таъминлаш, балки мулкни ташиб кетиш, ўриллаш, сифатининг бузилиш ҳолатларининг олдини олиши ҳам керак.

Корхонада бажариладиган ҳисоб-китоб ишларининг ҳажми анча катта. Одатда корхоналарда сарф қилинган меҳнат, тўланган иш ҳақи, моддий сарф-харажатлар, тайёр маҳсулот, сотилган маҳсулот корхона ҳисобига тушган ва тўланган пулларнинг ҳисоби олиб борилади. Ҳисоб-китоб ишларини олиб боришда ки-чик компьютерлар қўлланилса иш унуми юқори бўлади.

Корхонада норма ва нормативларни ишлаб, уларни қўллашга ҳам жиддий эътибор бериш керак. Умуман ҳисоб-китоб корхонадаги мавжуд резервларни аниқлашда ҳам ердан беради. Бозор шароитида

ҳисоб-китобга ва назоратга энг муҳим эътибор берилиши керак.

Мустақиллик — бу маҳсулот ишлаб чиқариш режасини тузиш, ишчи кучидан фойдаланиш, меҳнатқашларни моддий рағбатлантириш, мулкдан фойдаланиш, ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш, қурилиш ишларини олиб боришдаги хўжаликнинг ҳуқуқлари, мустақиллик — бу иқтисодий, техник ва ташкилий масалаларни ечиш учун корхона, бирлашма, фирмалар ва уларнинг таркибий бўлинмаларига бериладиган ҳуқуқий кенг йўл.

Корхона, бирлашма, фирмаларнинг асосий хўжалик ҳуқуқлари бир қатор қонунларда ўз аксини топган. Улар жумласига “Ўзбекистон Республикасининг корхоналар тўғрисидаги”, “Ўзбекистон Республикасининг мулк тўғрисидаги”, “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик” ва бошқа қонунлар кирди.

Бундан ташқари корхоналарнинг ҳуқуқлари уларнинг низомларида ҳам сезилиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг корхоналар ва тадбиркорлик тўғрисидаги қонунларида ишбилармонлик билан шуғулланиш учун керак бўлган

ҳуқуқлар, яъни мулк эгаси бўлиш, мулкдан фойдаланиш, бошқариш, корхона фаолиятини ташкил қилишга, иш ҳақи тўлаш, маҳсулотни сотиш, моддий техника таъминоти, пул маблағларидан мустақил фойдаланиш ҳуқуқлари берилган.

Ҳозирги пайтда барча корхоналарда хўжалик фаолиятига тегишли ҳамма қарорлар мустақил қабул қилинади ва амалга оширилади.

Ўзбекистон қонунчилигида мулк эгасининг ҳоҳишига қараб корхона бевосита мулк эгаси томонидан еки у бошқа бировни еллаб бошқариши мумкин.

Албатта, оилавий корхона оиланинг тажрибани, билими етарли бўлган аъзоси томонидан бошқарилиши маъқул.

Молия ва моддий ресурслардан фойдаланишда ташаббускорлик.

Маълумки корхонанинг молиявий ва моддий техника ресурслари доимо ҳаракатда бўлади. Уларнинг ҳаракати узуксиз бўлиши керак. Ҳаракат секинлашса еки бирор сабаб туфайли тўхтаб қолса — корхона катта моддий зарар кўриши мумкин. Ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган ресурслар ўз вақтида сотиб юборилиб, ўрнига зарур ресурслар олиниши керак. Моддий ресурсларнинг метьеридан ортиқча йиғилиб қолишига йўл қўймаслик керак, чунки ишлатилмайдиган ресурсларда пул маблағи кишанланиб, ҳаракатдан чиқиб кетади. Бу ҳол оқибатда ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайтириб юборади.

Шунинг учун моддий ва молиявий ресурслар ҳаракатини доимо назорат қилиб, кузатиб бориш керак.

Пул маблағларига нисбатан доимо тадбиркорлик муносабатида бўлиш лозим. Мижозлардан ундирилиши лозим бўлган пулни ўз вақтида ундириш ва бошқаларга тўланадиган пулни ўз вақтида тўлашга одатланган яхши. Тўланадиган пул ўз вақтида тўланмаса жарима тўлашга тўғри келади. Мижозлардан ундирилмаган пул ўз вақтида ундирилмаса оила корхонасида нақд пул стилимовчилиги вужудга келиши мумкин.

Агар маълум вақтда ортиқча пул пайдо бўлса — уни уйда сақлаш керак лозим. Ортиқча пулни қарзга еки акция олишга ишлатиш мумкин.

Бозор иқтисоди шароитида молиявий ва моддий техника ресурсларидан иложи борица самарали фойдаланишга ҳаракат қилиш керак.

Бунинг учун доимо ташаббус кўрсатиб туриш ва бошқаларнинг ташаббусини ҳам қўллаб туриш керак.

## МАЙ

Бадий фильм (АҚШ, Буюк Британия, 1953 й.).

### ПАЙШАНБА, 11

#### ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 "Хаётинг воқеа". Бадий фильм. 9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.00 "Ўзбектеелефильм" кўрсатади: "Чотқол тизмалари бўйлаб". 10.15 "Кашф этилаётган имкониятлар". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 12.00—12.40 Халқ ижодиети. "Айтишув".

\*\*\*

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Тулгунчалар". 18.30 "Мулкдор". 19.05 "Юзма-юз". 19.25 Ўзлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 "Адолат". 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Ўзлонлар. 21.30 Ўзбекистон телевидениесидан вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Қашқадарё. 22.20 "Беҳинчи рукн". "Ҳажнома". Хужжатли видеофильм. 23.15—23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

#### ЎзТВ II

##### "ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультифейверк". 18.55 "Хайвонот дунёсининг сирлари". 19.45 Янгилар. 19.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам". 20.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 20.35 Видеоид. 20.55 "Теле-аталье-шоу". 21.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 21.45—23.25 "Кинонигоҳ".

#### ЎзТВ III

##### ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

\*\*\*

18.45 "Мультикарусель". 19.00 "Ўзбекистон" хамкорлик йўлидан". 19.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм. 20.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари. 20.35 "Бозор иқтисодиёти сабоқлари". 21.05 "Дўстларимиз сайёраси". 21.45—22.45 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари. "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 5.00—8.00 "Телетонг".

\*\*\*

17.55 "Тигиз пайт". 18.15 "Аляска Кид". Телесериал. II-серия. 19.05 "Маҳбубалар". Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 "Время". 20.40 "Москва, Кремль". 21.05 — 22.25 Кино асри. "Йигирма бир кун". Бадий фильм (Буюк Британия, 1940 й.).

### ЖУМА, 12

#### ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 "Тутилсин ва зарарсизлантирилсин". Бадий фильм. 9.25 "Комилжон Отаниезов куйлайди". Фильм-концерт. 10.00 "Тараққиёт". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиёт. 11.00 "Ёшлар куйлаганда". 11.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология. 12.00 "Сиха-саломатлик" почтасидан. 12.30 "Мерос". Хувайдо. 13.10—14.40 "Ёшлик" видеоканали.

\*\*\*

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Тулгунчалар". 18.30 "Ишбилармон". 18.50 "Ўзбеккона лутф". 19.25 Ўзлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 "Эл тинчилиги йўлида". ИИВ Академияси фаолиятига бағишланади. 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Ўзлонлар. 21.30 Бевосита мулоқот. 22.15 "Европани дол этган хонанда". Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева.

23.00—23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

#### ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Болалар учун. "Кўзмунчок". 19.00 "Билиб куйган яхши". 19.25 "Хотира". В. Погосьянц. Кинокўрсатув. 20.10—22.25 "Медаллар машаққати". Бадий фильм. I—2-сериялар.

#### ЎзТВ III

##### ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мультикарусель". 18.55 "Шалом!". Исроил Мустақиллиги кунига. 19.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

##### "ОМАД" таништиради:

20.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 "Салом, ёшлар!". 21.15 Ўзлонлар. 21.20—23.00 Видео — "О".

##### "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00—8.00 "Телетонг".

\*\*\*

17.50 "Бомонд". 18.10 "Аляска Кид". Телесериал. I2-серия. 19.00 "Мўъжизалар майдони". 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 "Время". 20.45—22.05 "Маърифат асри". Телесериал. I-серия — "Инқилоб алангалари" (Франция, Куба, "Ялтафильм", "Экран", 1993 й.).

### ШАНБА, 13

#### ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 Ш. Шохимардонова, Х. Гулом. "Муҳаббат навоси". Муқимий номидаги Ўзбек Давлат муסיкий драма театрининг спектакли. 10.00 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим". 10.40 "Ижодкор портретига чизгилар". Кинокўрсатув. 11.15 "Мақтуб — кўнгил ойнаси". 11.50 — 13.00 Болалар учун фильм. "Ғалати гаров".

\*\*\*

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. "Бир сиким тупроқ". 18.35 Спорт хабарномаси. 18.45 "Ёшлик оқшоми". 19.25 Ўзлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 Теннис. "Буюк Ипак йўли" Халқаро турнири. 20.30 "Ўзбекистон янгиларлари" (инглиз тилида). 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Ўзлонлар. 21.30 "Санъатга бахшида умр". Халқ артисти Галия Измайлова. 22.20 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "МХСК" — "Темирйўлчи". 23.05 "Ўзбекистон янгиларлари" (инглиз тилида). 23.15 "Тунги егду". Дам олиш кинодастури.

#### ЎзТВ II

##### "ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультифейверк". 9.25 "Хайвонот дунёсининг сирлари". 10.15 Янгилар. 10.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам". 10.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 11.05 Видеоид. 11.25 "Теле-ателье-шоу". 11.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 12.15 "Кинонигоҳ". 13.55 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

##### "Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.10 "Антенна". 19.40 "Акс-садо". 20.10 "Пульс". Хабарлар. 20.25 "Менинг кўчам". 20.40 "Эсдалик учун дастхат". 21.05 "Ҳар соҳадан бир шингил". 21.35 — 23.15 "Кинематограф".

#### ЎзТВ III

##### ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Замандас". 10.50 "Маданиятимиз дурдоналари". 11.30 — 11.50 "Булоқлар кўз очганда".

\*\*\*

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 "Мультикарусель". 18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 19.20 "Безнен мирас". 20.00 "Глобус". 20.40 "Би-Би-Си" янгиларлари.

20.50 "Бу ажиб дунё". 21.10 — 21.20 "Си-Эн-Эн" янгиларлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 18.10 Луи де Фюнес "Жандарм уйланади" кинокомедиясида (Франция, 1968 й.). 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 "Время". 20.45 "Шиндлер рўйхати" — Умумроссия телеканали телепремьераси. Режиссёр Стивен Спилберг билан суҳбат. 21.05 "Маърифат асри". Телесериал. 2-серия — "Халқлар қони". 22.25 — 23.05 "Оба-на".

### ЯКШАНБА, 14

#### ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 Болалар киносеанси. 9.30 "Шоҳрух клуби". 10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан". Кўрсатув ва концерт. 11.00 "Цирк! Цирк! Цирк!". 11.45 "Менда фикр бор". 12.30 — 14.20 "Маънавият" видеоканали.

\*\*\*

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мультифильм. 18.10 "Сирли сандиқ". Телевизион ўйин. 19.05 "Ойна жаҳонда...". 19.25 Ўзлонлар. 19.30 "Хафтанома" (рус тилида). 20.00 Ўзлонлар. 20.05 "Ўзбектеелефильм" кўрсатади: "Дўппи". 20.15 Теннис. "Буюк Ипак йўли" Халқаро турнири. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Хафтанома". 21.30 Ўзлонлар. 21.35 "Мозийга бир назар". 22.05 "Якшанба оқшомида". 22.55 — 23.25 "Хафтанома".

#### ЎзТВ II

##### "ОМАД" таништиради:

10.00 "Омад" тақвими. 10.10 "Кўнгил". 10.20 "Жозиба". 10.40 "Бир шингил хангома". 10.50 "Тасвирларда барҳаёт мардлик". 11.10 Янгилар. 11.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 12.00 — 13.40 "Кинонигоҳ".

\*\*\*

17.00 "Совга". 17.30 "4/8". Муסיкий дастур. 17.50 Жаҳон географияси. 18.40 Ўзлонлар. 18.45 Видео — "О". 20.25 Ўзлонлар. 20.30 "Курьер". 20.50 "...яна об-ҳаво хақида". 21.00 "Постфактум". 21.10 Жаҳон янгиларлари ("Эй-Би-Си"). 21.30 "Панорама". 22.00 "Компьютер-Осие". 22.30 Ўзлонлар. 22.35 "Дарҳақиқат". 22.45 Ўзлонлар. 22.50 — 00.30 Видео — "О".

#### ЎзТВ III

##### ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 "Аэробика". 9.15 "Жонли сайера". 9.35 Мультифильм. 10.15 "Коллекция". 10.35 "Менинг кўчам". 10.50 "Ақмалнинг янги саргузаштлари". Телевизион бадий фильм. 2-серия (рус тилида). 12.05 "Дарҳақиқат". 12.25 "Хонадонингизга тинчлик-осойишталик". 13.25 — 13.35 "Ўзбекистон янгиларлари" (инглиз тилида).


\*\*\*

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 19.05 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 20.05 "Кўнгил кўприклари". 20.40 "Би-Би-Си" янгиларлари. 20.50 "Бу ажиб дунё". 21.10 "Ёшлик" студияси. "Ғазалхон ёшлигим". 21.50 "Си-Эн-Эн" янгиларлари. 22.00 — 23.30 Бокс. Жаҳон чемпиони. Ярим финал. Германиядан кўрсатилади.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 17.45 Режиссёр С. Спилберг фильми. "Шиндлер рўйхати" (АҚШ). 21.00 "Якшанба". 21.45 — 23.10 "Маърифат асри". Телесериал. 3-серия — "Собордаги портлаш".

"Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз" дастуридан.



### ДУШАНБА, 8

#### ЎзТВ I

6.00 — 7.45 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

7.45 "Генерал Собир Раҳимов". Бадий фильм. 9.20 М. Вафоев, З. Обидов. "Зафарнома". Оратория. 9.55 ТОШКЕНТ МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ. БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХАРБИЙ ПАРАД. 10.45 "Кўшиқларим мадад бўлсин, сенга аскаржон". Киноконцерт. 11.05 Болалар учун. "Билиб куйки сени Ватан кутади". 11.30 "Ўзбектеелефильм" кўрсатади: "Сарғайган мактублар". Премьера. 12.10 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси миллий эстрада симфоник оркестрининг концерти. 12.50 "Аёл борки одам мунаввар". 13.15 — 13.35 "Ўзбектеелефильм" кўрсатади. "Харбий марш садолари остида". Премьера.

\*\*\*

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мультифильм. 18.15 Болалар учун. "Тулгунчалар". 18.35 "Ўзбектеелефильм" кўрсатади: "Уруш йилларини эсла...". Премьера. 18.50 "Ҳаётнинг ёшлар жасорати". 19.10 "Ғалаба нашидаси". Кинокўрсатув. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Жангчи алломалар". 20.20 "Туташ тақдирлар". 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХАРБИЙ ПАРАД РЕПОРТАЖ. 22.15 "ТУРКИСТОН" САРОЙИДА БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИГИЛИШ ВА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ. 00.15 Теннис. "Буюк Ипак йўли" Халқаро турнири. 00.30 — 00.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

#### ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Болалар учун. "Кўзмунчок". 19.00 "Таҳлил". 19.10 "Ўтмишсиз келажак йўқ". 19.40 "Бу бўстон аро...". Самиг Абдуллаев. 20.10 "Ҳамшаҳарлар". 21.10 — 23.20 "Оддий фашизм". Хужжатли фильм. I—2-сериялар.

##### ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

##### "ОМАД" таништиради:

18.40 "Совга". 19.10 "Даракчи". 19.35 Жаҳон географияси. 20.25 "Панорама". 20.55 Ўзлонлар. 21.00 Видео — "О". 22.40 Ўзлонлар. 22.45 "Курьер". 23.05 "...яна об-ҳаво хақида". 23.15 "Постфактум". 23.25 — 23.45 Жаҳон янгиларлари ("Эй-Би-Си").

##### "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.00 "Туғишгандан афзал". Бадий фильм. 18.30 "Енгилмаслар". 18.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 18.50 "Енгилмаслар". 18.55 1941 — 1945 йиллардаги Улуг Ватан урушида қозонилган Ғалабанин 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Давлат Кремль саройидан олиб кўрсатилади. 20.00 "Время". 20.40 "Енгилмаслар". 20.45 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви. 21.25 — 21.45 "Шеърят альбоми".

### СЕШАНБА, 9

АССАЛОМ ҒАЛАБА, АССАЛОМ ТИНЧЛИК!

#### ЎзТВ I

6.00 — 01.00 БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН УЗЛУКСИЗ ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР КУНИ. ЎзТВ II

##### "ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими. 18.40 "Кўнгил". 18.50 "Жозиба". 19.10 "Бир шингил хангома". 19.20 "Тасвирларда барҳаёт мардлик". 19.40 Янгилар. 19.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 20.30 — 22.10 "Кинонигоҳ".

#### ЎзТВ III

##### ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Ғалаба дастхатлари". 19.20 "Ўзбекистон — кадрдон уйимиз". 20.20 Фахрийлар учун кўшиқлар. 21.00 "Спорт ҳам бизга катта ёрдам берди". 21.30 "Бу кунни иложи борича тезлаштирдик". 22.30 — 22.40 "Би-Би-Си" янгиларлари.

##### "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 7.50 "Телетонг".

\*\*\*

17.15 "Белорус вокзали". Бадий фильм. 18.50 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.00 "Урушдан кейин кеч соат олтида". Байрам ахборот кўрсатуви. 20.05 "Время". 21.00 — 23.30 Ғалабанин 50 йиллигига бағишланган бутунжаҳон Озодлик концерти. Амстердамдан кўрсатилади.

### ЧОРШАНБА, 10

#### ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 "Ўзбектеелефильм" студияси фильмларининг телефестивали. "Тақдир эшиги". 9.20 "Вобкентлик хонанда". Фильм-концерт. 9.50 "Қафолат". 10.20 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб". 10.50 Болалар учун. "Сирли най". Республика Кўғирчоқ театрининг спектакли. 11.50 М. Вафоев, А. Орипов. "Ҳажнома". Оратория. 12.35 — 14.30 "Умидлар йили". Видеоканал.

\*\*\*

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Кўнгирокча". 18.40 "Ғанимат-дамлар". Ғ. Гулом тававаллудига бағишланади. 19.15 Спорт хабарномаси. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 "Ватанин севмоқ иймондан дур...". 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Ўзлонлар. 21.30 "Олтин мерос". Солижон ҳофиз. 22.15 "Ўтган кунлар". Бадий фильм. 23.50 — 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

#### ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Болалар учун. "Ўзим ҳақимда...". 19.00 "Дарсга кўнгирок". 19.45 "Шоҳсупа сари". 20.15 Актер Виктор Вержбицкий ижоди. 21.05 "Боболардан қолган бу наво". Фильм-концерт. 21.35 — 23.15 "Кинематограф".

#### ЎзТВ III

##### ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мультикарусель". 18.55 "Тадбиркорлик мактаби". 19.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм. "ОМАД" таништиради: 20.15 — 23.15 "СПОРТ ҚИТЪАСИ". "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 5.00 — 8.00 "Телетонг".

\*\*\*

17.55 "Тигиз пайт". 18.15 "Аляска Кид". Телесериал. I0-серия. 19.05 "Кинопанорама". 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 "Время". 20.45 — 22.10 "Сахро каламушлари".

## РЕКЛАМА ВА ЭЪМОЖЛАР

ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР  
РАЎБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкентдаги ташкилот банк орқали пул утказиш йули билан ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:


- электр тармоқларида, телефон ва бошқа муҳим жабҳаларда фойдаланиладиган кабель-сим маҳсулотлари;
- трактор, транспорт ва техника воситаларида қўлланиладиган турли хил подшипниклар;
- иш кийими-пахтали калта тун (телогрейка);
- 3 квт. қувватли электродвигателлар. Икки томон учун мақбул бўлса, мол айирбошлаш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин.

ТЕЛЕФОН: (37-12) 72-54-95.

Ўзбек — Белорусь қўшма корхонаси

"ЎзбекМАЗсервис"

Тошкентдаги ошбордан турли



моделдаги  
МАЗ

русумли автомобиллар,

МАЗ-80 тракторлари ва  
КММ-ЯМЗ двигателларини сотади:



Ҳисоб-китоб хоҳлаган тарзда ёки пахта толаси, "Прима" пахтаси, линт ҳисобига мавоза усулида амалга оширилади.

Тел.: (3712) 91-68-94  
Тел/факс (3712) 91-64-06

## Барча савдо ташкилотлари, жамоа ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари, кичик корхоналар бошлиқлари, шунингдек барча харидорлар диққатига!

Андижон пойафзал ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти бугунги кун талаблари асосида сифатли, бежирим ва қулай пойафзаллар ишлаб чиқармоқда. Чунончи, дала ва чорва юмушларида кийиш учун мўлжалланган кирза этиклар, эркаларнинг замонавий, янги урфлардаги ёзги сандал (босоношка)лари, болалар учун барча мавсумбоп, кўриниши чиройли ва чидамли енгил оёқ кийимлари ҳамда ҳаммабоп миллий калишлар ҳар бир харидорнинг диққатини узига жалб этади. Корхона эса ушбу маҳсулотларни чекланмаган миқдорда сотмоқда. Туловлар нақл пул ёки ҳисоб рақамига пул утказиш йули билан ҳатто маҳсулот айрибошлаш билан ҳам амалга оширилади. Сифати кафолатланган ушбу пойафзал турларини сотиб олишга шошилинг.

Манзилимиз: 710000, Андижон шаҳри,  
Чулпон шоҳ кучаси 183-уй.

Пойафзал ишлаб чиқариш ҳиссадорлик  
жамияти. Телефонлар: 8(37422) 50205, 56782 50434.

## Илми нуҷум талқинлари

сабаб бўладиган ишлар бўлмаслиги эҳтимоли купроқдир. Бу кунларни оилада фарзандлар тарбияси, ўзининг маънавий камолоти ҳақида гамҳурлик қилишга сарф қилинса куп манфаати бўлур. Сафарга чиқиш, туй-ҳашамлар утказиш ҳам иншоаллоҳ кунгидагидек утвр. Бу кунлар қариндош-уруғлар билан борди-келдини

тинчалик бўлиб, агар бир оз сабр қилинса ва кунгилини кенг қилинса — иншоаллоҳ ҳаммаси яхши бўлур. Ишлари кундан-кун ривож топиб, нима мақсадлари бўлса эришурлар. Бунинг учун фақат ҳаромдан ҳазар қилиш ва бузуқликларга яқинлашмаслик лозим.

АҚРАБ (23.10 — 21.11) ойда тугилганлар учун келаси ҳафта ута омадди келиши кутилур. Иншоаллоҳ, бу кунларда қилажак барча хайрли ишлари ниҳоят сита етиб, қўзланган натижа ҳосил бўлур. Хуусан, маблағ борасида куп хурсандчиликлар юз берур. Яъни, савдодан қўзланган фойда келиб, ҳатто ортиқча натижаларга ҳам эришурлар. Бу кунларда сафарга чиқиш, туй-ҳашамлар утказиш ва бошлиқлар хузурига киришлар ҳам жуда қувончли натижалар келтирурлар. Аллоҳ берган мол-дунедан вақтида закот ва ушурларни бериш бу омадларни яна ҳам ерқин қилад.

ҚАВС (22.11 — 21.12) ойда тугилганлар учун келаси ҳафта тинч-осойишта утиши кутилур. Бу кунларда доимий кундалик ишлар билан шугулланиш мумкин. Бундан ташқари уз соғлиги билан шугулланиш, дам олиш, балиқ овига чиқишлар ҳам куп манфаатлар келтирур. Мазкур ҳафтада ота-оналарни эслаб, агар улар ҳаёт бўлсалар уларни зиерат қилиш, кунгилларини овлаш, хурматларини жойига қўйиш, агар вафот этган бўлсалар, улар ҳақида хайри-эхсон қилиш, амаки, тоға, амма, ҳолаларни зиерат қилишлар тенгсиз улкан савоблар келтириши шубҳасиздир.

ЖАДДИ (22.12 — 19.01) ойда тугилганлар учун келаси ҳафта наҳс келиши кутилур. Бунда иложи борича барча пул аралашадиган ишлардан тийилиб туриш ва шартнома ва битимларга имзо қўйишдан сақланиш лозим. Бу кунларда имкони борича фарзандлар тарбияси, уларни ва узини маънавий камолотга етказиш ишлари билан шугулланиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари яхшиларни зиерат қилиш ва уларнинг сўхбатида бўлиш ҳам мазкур кунларнинг тинч утишига ва ҳаётларининг барқарор бўлишига сабаб бўлур.

Валлоху аълам.

ДАЛВ (20.01 — 18.02) ойда тугилганлар учун келаси ҳафтанинг аввалги икки кун наҳс аралаш, қолган кунлари эса омадди келиши кутилур. Шунинг учун ҳафтанинг аввалги кунларида савдо ва янги бошланадиган ишларни тухтатган куп яхши бўлур. Бу кунларда оила ва иш жойида ҳам баъзи бир нохушлиқлар юз бериши мумкин. Шунинг учун бу борадаги муаммоларни ута эҳтиёткорлик билан ҳал қилиш даркор. Бу кунларда сафарга чиқиш ва бошлиқлар хузурида бўлиш яхши натижалар келтиражак. Иншоаллоҳ.


ХУТ (19.02 — 20.03) ойда тугилганлар учун келаси ҳафта давлат ва шод ҳамда шодмонлик, айши комронлик эшиги очилиши кутилур. Мазкур даврда кундан-кунга ишлари авж олур. Лекин ношаръий ва ноҳуя ишлардан сақланиш лозимдир. Хушер бўлиш лозимки, иншоаллоҳ муродга етурлар. Душманлар тўғрисидаги ниҳоятсиз фикрларни тухтатиб, кунгилни кенг тутиш лозим, иншоаллоҳ, алар устидан голиб бўлинув. Бундан ташқари ҳафта давомида гоибдан яъни сафардаги яқинлари ҳақида яхши хабарлар етгай.

ҲАМАД (21.03 — 21.04) ойда тугилганлар учун келаси ҳафта осойишта ва тинч утиши кутилур. Бу кунларда оила бюджетида яхшигина узгариш бўлиши, шу билан бирга иш жойида ҳам қувончли воқеага шўҳид бўлиш мумкин. Мазкур ҳафта муҳаббат ва кишилар қалбига йул топишда куп қулай фурсатдир. Ҳафта давомида Аллоҳ Таълоно буйруқларида доимо бўлиш тинчлик, осойишталик ҳамда барқарорлик гаровидир.

САВР (22.04 — 20.05) ойда тугилганлар учун келаси ҳафта тула наҳс келиши кутилур. Шунинг учун деярли барча ишлардан тийилиб туриб, фурсатни утган ишларни ҳисоб-китоб қилишга сарф қилинса ва келажак ишларни режалаштириш билан банд бўлинса куп яхши бўлур. Бу кунларда оила бюджетида бир қанча қийинчиликлар бўлиши ва ишхонада ҳам баъзи нохушлиқлар юз бериши мумкин. Лекин оз сабр қилиниб, кунгил кенг тутилса иншоаллоҳ ҳаммаси яхши бўлур. Мазкур ҳафтада ҳаром ишлардан хуусан, ароқ, зино ва утирликлардан қаттиқ ҳазар қилиш лозим. Иншоаллоҳ, шундай қилинса юз беражак нохушлиқларнинг олди

олинув.

ЖАВЗО (21.05 — 21.06) ойда тугилганлар учун келаси ҳафта тула омадди келиши кутилур. Шунинг учун бу кунларда барча режадаги ишларни Аллоҳга таваккал қилиб бошлайвериш мумкин. Бу ҳафтада савдо ишлари, ишлаб чиқариш, дала ишлари ва илмий ишларда катта муваффақиятларга эришилур. Бундан ташқари оила бюджетига катта маблағ қўшилиши кутилур. Бу кунларда шартнома ва



(8 — 14 МАЙ ҲАФТАСИГА)

битимларга имзо чекиш ва хизмат сафарларига чиқиш ҳамда бошлиқлар қабулида бўлишлар ҳам куп яхши натижалар келтирур. Ҳафта давомида камбағал, бева-бечораларга хайри-эхсон қилишлар омадларга, яна омад қўшади.

САРАТОН (22.06 — 22.07) ойда тугилганлар учун келаси ҳафтанинг аввалги ярми омадди, қолганлари эса наҳс келиши кутилур. Шунинг учун натижаси номаълум бўлган ва пуллик бўлган ишларни мана шу олдинги кунларда қилиб олган маъкул. Бундан ташқари бу кунларда сафарга чиқиш, бошлиқлар қабулига кириш ва катта маросимлар утказиш мумкин. Лекин қолган кунларда кунларни анча эҳтиёткорлик билан утказиш талаб этилув. Бу кунларда ота-онани эслаб, уларни зиерат қилиш ва уларни кунгилларини овлаш ҳамда улар ҳақида дуолар қилиш куп фойдалар келтирув.

АСАД (23.07 — 22.08) ойда тугилганлар учун келаси ҳафта олдий, доимий кунлардан иборат бўлиши кутилур. Деярли эса қоладиган ва ортиқча ҳаяжонга

муस्ताқамлаш, бемор ери-биродарларни ҳолидан хабар олиш ишлари учун куп қулай фурсатдир.

СУНБУЛА (23.08 — 22.09) ойда тугилганлар учун келаси ҳафта давлат ва саодатга эришиш кунлари бўлиши кутилур. Бу кунларда душманлари устидан зафар тоғулар. Юз беражак барча мушкулотлар осон бўлур ҳамда қанча ҳождатлари бўлса Аллоҳга илтижо қилсалар, иншоаллоҳ, раво бўлур. Яшаш шароитлари яхшиланиб, гам ва ташвишлардан иншоаллоҳ ҳалос бўлтайлар. Бу омадлар барчаси Аллоҳни буйруқларини тула адо қилиш ва ҳаром ишлардан сақланиш билан юз берур.

МЕЗОН (23.09 — 22.10) ойда тугилганлар учун келаси ҳафтанинг бошида бир оз тангдил ва парижонхотир бўлишлари кутилур. Ҳатто сабр қилишга ҳам ҳол қолмай, гам ва ташвишга ботиш ҳоллари бўлиши мумкин. Буларни ҳаммаси бошлаган ишларини тугата олмаганларидан ёки режа қилган мақсадларига эриша олмаганларидандур. Лекин бу ҳолат вақ-

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН  
КАСАБА  
УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ  
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир  
Саидакром  
САИДВАЛИЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:  
Акмал АҚРОМОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари),  
Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,  
Абдуманнон АЛИМБОВ,  
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,  
Турғун НАЗАРОВ  
(масъул котиб),  
Муҳаммадҷон ОТАҚУЛОВ,  
Муҳайё ТУЛАГАНОВА,  
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,  
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,  
Тўлқин ҚОЗОҚБОВ.



• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36  
• Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89

• Масъул котиб — 56-52-78  
БЎЛИМЛАР  
• Касаба уюшмалари ва муҳбирлар билан ишлаш — 56-82-79  
• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63  
• Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:  
Алдижонда — 5-23-10  
Бухорода — 3-50-10  
Гулистонда — 2-24-98  
Жиззахда — 3-82-78  
Навонийда — 3-41-99  
Наманганда — 6-22-10  
Нукусда — 2-44-46  
Самарқандда — 35-64-22  
Термизда — 2-70-07  
Тошкентда — 56-82-79  
Фарғонада — 24-48-53  
Урганчда — 6-03-40  
Қаршида — 5-33-71

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



• СОТУВДА эркин нарҳда.  
• Жума кўйлари чиқади.  
• Босингга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъул:  
Саидакром  
ШАРОФҲОНОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
700165, Тошкент шаҳри,  
«Правда Востока» кўчаси,  
24-уй.

• Нашр кўрсаткичи:  
64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
• Буюртма Г-0217  
1-2 3 4 5 6